

Ўзбекистон Республикаси номидан
Х У К М

2022 йил ноябрь ойининг 25-куни жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар суди, ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи судья Ш.Каримов, Ш.Мухаммаджоновнинг суд мажлиси котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Марғилон шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Ш.Анваров, судланувчи О.Рузибаевларнинг иштирокида, судланувчи Рузибаев Одил Холматовичга нисбатан 1-1513-2202/613-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Рузибаев Одил Холматович (RUZIBAYEV ODIL XOLMATOVICH) - 1958 йил 6 февраль куни Марғилон шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, бир нафар фарзанди бор, ёлланма ишчи, муқаддам судланмаган, Марғилон шаҳар, Ёрқин маҳалла фуқаролар йиғини, Беғубор кўчаси, 10-уйда яшайди, иш бўйича муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақида эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2022 йил 3 ноябрь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 270-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиб, томонларнинг музокара сўзини тинглаб, жиноят ишида тўпланган далилларни суд мажлисида синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона текшириб, судланувчининг музокара, ҳимоя ва охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни,

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи О.Рузибаев у 2022 йил ёз фасли охирида ўзи яшаб келаётган Марғилон шаҳар Ёрқин маҳалла фуқаролар йиғини Беғубор кўчаси 10-уй томорқа ер майдони марказига экилган маккажўхори ўсимликлари орасида жами бир туп наша ўсимлиги ўсиб чиққанини кўриб, ушбу ўсимликларни юлиб юбормасдан, бировга ўтказиш мақсадини кўзламай келажакда ўз истеъмоли учун 2022 йил 17 сентябрь кунига қадар томорқасида етиштириб, парваришлаб келган.

2022 йил 17 сентябрь куни Марғилон шаҳар ИИБ ЖҚБ ходимлари томонидан “Қора дори-2022” кенг қамровли тадбири давомида, Марғилон шаҳар, Ёрқин маҳалла фуқаролар йиғини, Беғубор кўчаси 10-уйнинг томорқаси холислар иштирокида кўздан кечирилганида, хонадон томорқасига экилган маккажўхори экинлари орасида бир туп наша ўсимлиги етиштираётгани аниқланиб, унинг баргларида экспертиза тадқиқотлари учун бир дона конвертда намуналар олинган ва қолган қисми олов ёқиш йўли билан йўқ қилинган.

Тошлоқ тумани Қишлоқ хўжалиги бўлими мутахассисининг берган хулосасига кўра, тадбир давомида Марғилон шаҳар, Ёрқин маҳалла фуқаролар йиғини, Беғубор кўчаси, 10-уйда яшовчи О.Рузибаевнинг яшаш хонадони холислар иштирокида кўздан кечирилганида беш туп наша ўсимликлари парваришланган ҳолда эканлиги кўрсатилган.



Судга оид кимёвий экспертизасининг 2022 йил 19 сентябрдаги 1009-сонли хулосасига кўра, фуқаро О.Рузибаевнинг яшаш хонадони томорқасидан аниқланган ўсимликдан олинган намуна таркибида фаол гиёҳванд модда тетрогидроканнабинол мавжудлиги аниқланган бўлиб, бу модда каннабис эканлиги кўрсатилган.

Судланувчи О.Рузибаев суд мажлисида, айбига тўлиқ иқрорлигини билдириб, 2022 йил ёз ойида яшаш хонадони томорқасида наша ўсимликлари ўсиб чиқиб қолганини кўриб қолиб, уни юлиб ташламасдан сув қуйиб парваришлагани, 2022 йил 17 сентябрь куни яшаш хонадонига ИИБ ходимлари мутахассис ва холислар билан бирга киришиб, яшаш хонадонини кўздан кечиришларини айтишганида, у рози бўлиб уларни яшаш хонадонига таклиф қилгани, кўздан кечириш давомида яша хонадони томорқасида бир туп наша ўсимлиги ўсиб турганини аниқлашиб, ушбу ўсимликдан холислар иштирокида баённома асосида намуна олишгани, қолгани эса ёқиш йўли билан йўқ қилишиб, керакли ҳужжатларни расмийлаштиришгани, ҳозирда қилган ишидан пушаймонлиги, айбига тўлиқ иқрорлиги, қонун доирасида енгиллик берилишини сўраб берган кўрсатуви;

Судланувчи О.Рузибаев ўзига эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрор бўлсада, унинг юқоридаги жиноятни содир этганликдаги айби суд мажлисида текширилган ва жиноят ишида мавжуд қуйидаги далиллар билан тасдиқланади, жумладан:

-шунингдек, судланувчи О.Рузибаевнинг айби, ходиса жойини кўздан кечириш баённомаси ва фото илова (и.в.5-10), мутахассис хулосаси (и.в.15), судга оид кимёвий экспертизасининг 2022 йил 19 сентябрдаги 1009-сонли хулосаси (и.в.17-18), Республика ихтисослаштирилган наркологик илмий амалий тиббиёт марказининг Фарғона вилояти филиалининг 2022 йил 20 сентябрдаги 621-сонли далолатномаси (и.в.22), тарафларнинг розилиги билан кўрсатуви ўқиб эшиттирилган гувоҳ И.Сиддиқовнинг дастлабки терговдаги 2022 йил 17 сентябрь куни ИИБ ходимларини таклифи билан О.Рузибаевни яшаш хонадонини кўздан кечиришда холис сифатида иштирок этгани, кўздан кечириш давомида бир туп наша ўсимлиги ўсиб турганлиги аниқлангани ҳақидаги кўрсатуви (и.в.27-29), тарафларнинг розилиги билан кўрсатуви ўқиб эшиттирилган гувоҳ Қ.Нематовнинг дастлабки терговдаги 2022 йил 17 сентябрь куни ИИБ ходимларини таклифи билан О.Рузибаевнинг яшаш хонадонини кўздан кечиришда мутахассис сифатида иштирок этгани ва икки туп наша ўсимлигига ўхшаш ўсимлик парваришлангани ҳақида хулосасини ёзиб бергани ҳақидаги кўрсатуви (и.в.30-32), тарафларнинг розилиги билан кўрсатуви ўқиб эшиттирилган гувоҳ Қ.Юлдашевнинг дастлабки терговда гувоҳ И.Сиддиқовнинг кўрсатувини тасдиқлаб берган кўрсатуви (и.в.37-40) ҳамда бошқа далиллар билан ўз тасдиғини топди.

Суд, судланувчи О.Рузибаевнинг таркибида гиёҳвандлик воситалари бўлган ўсимликларини қонунга хилоф равишда етиштиришда ифодаланган жиноий ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси



Жиноят кодексининг 270-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Чунки, О.Рузибаев ўзининг яшаш хонадонида таркибида гиёҳвандлик моддалари бўлган бир туп наша гиёҳвандлик ўсимлигини қонунга хилоф равишда экиб, уни парваришлаб, етиштириб келаётганлиги аниқланган.

Суд, судланувчи О.Рузибаевга жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 5-бандида “Судлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, шунингдек унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган ва жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузалиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш учун қонунда мавжуд барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари керак” деб кўрсатилган раҳбарий тушунтиришларига амал қилган ҳолда, судланувчининг ҳаракатларида Жиноят кодексининг 56-моддасида белгиланган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмаслигини, Жиноят кодексининг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида яшаш жойидан ижобий тавсифланишини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, муқаддам судланмагани, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилигига кўра ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар таснифига киришлигини эътиборга олиб, у айбланаётган модда санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазосини тайинлашни лозим топди.

Шунингдек, Республика ихтисослаштирилган наркологик илмий амалий тиббиёт марказининг Фарғона вилояти филиалининг 2022 йил 20 сентябрдаги 621-сонли далолатномасига асосан О.Рузибаевда наркологик касаллик аниқланмагани сабабли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасига асосан яшаш жойидаги тиббий муассасаларда наркологик касаллигидан мажбурий даволаниш белгилашни лозим топмади.

Суд, ашёвий далил деб эътироф этилган, ҳозирда Ўзбекистон Республикаси ДХХ Фарғона вилояти бошқармаси далилий ашёлар сақлаш омборхонасига 1111-сонли қвитанцияга асосан топширилган, 0,55 (ноль бутун юздан эллик беш) грамм наша ўсимлиги намунаси тегишли тартибда йўқ қилишни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Рузибаев Одил Холматович (RUZIBAYEV ODIL XOLMATOVICH) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 270-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.

О.Рузибаевга, у айбли деб топилган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 270-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жинояти учун у ёки бу сабаб билан сутканинг 21⁰⁰дан 6⁰⁰га қадар яшаш жойи Марғилон шаҳар, Ёркин маҳалла фуқаролар йиғини, Беғубор кўчаси 10-уйни тарк этишни тақиқлашдан иборат 1 (бир) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.



О.Рузибаевга жазони ижро этилишини назорат қилувчи орган рухсатисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик ва Фарғона вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик каби қўшимча мажбурият юклансин.

Жазо муддати маҳкум жазо ижросини назорат қилувчи органда рўйхатдан ўтган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазо ижросини назорат қилиш Марғилон шаҳар ИИБ пробация бўлими зиммасига юклатилсин.

О.Рузибаевга нисбатан қўлланилган муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Иш бўйича ашёвий далил тариқасида олиниб, ДХХ Фарғона вилоят бошқармасига 1111-сонли қвитанцияга асосан топширилган, 0,55 (ноль бутун юздан эллик беш) грамм наша ўсимлиги намунаси тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ҳукм нусхасини олгандан сўнг йигирма сутка муддат ичида шу суд орқали Фарғона вилоят судига апелляция тартибида протест ёки шикоят келтириш ҳуқуқига эгадирлар.

Раислик қилувчи судья

Ш.Каримов

Маъсул судья: Каримов Шукуржон Каримович

